

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАЎАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 74 (10.379)

2005 ЙИЛ 18 АПРЕЛЬ

АЗИМ ШАЎАРГА ГЎЗАЛ БОҒЛАР ЯРАШАДИ

XVI саҳоси
аср
Барча маилбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар биримиз учун азиз ва мўътабардир. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз бош майдонида халқимизнинг асрий урф-одатлари, маданияти, кадриятлари ва миллий меъморчилик аънаналари тобора теранроқ акс этмоқда.

Истиқлолимиз меъмори — Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Мустақиллик майдони ана шундай жозибали масканга, яхлит ва мукаммал ансамблга айланиб бораётган.

Президентимиз 15 апрель куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яна бир бор танишди.

Мустақиллик майдонига туташ «Технолог» ишлаб чиқариш корхонасининг биноси гўзал майдон ҳуснига доғ бўлиб турган эди. Айни пайтда ушбу корхона бошқа жойга кўчирилиб, унинг ўрнида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

— Тошкентнинг бош майдонида ишлаб чиқариш корхонаси қурилганлиги эски замонда чуқур ўйланмай қилingan ишларнинг яққол намуналаридан биридир, — деди Ислом Каримов. — Пойтахтимизни дунёнинг энг гўзал шаҳарларига ҳос таразда қайта бунёд этишимиз керак. Унда ҳам-

шаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари яшаши ва ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилмоғи даркор.

Шаҳримизнинг Шароф Рашидов, Шевченко, Мовароуннаҳр кўчалари кесишадиган қисмларини ободонлаштириш ишлари бошланди.

Хусусан, Ўзбекистон ва Шароф Рашидов кўчалари туташган чорраҳадан транспортнинг тўхтамай ўтиши таъминланади, пиёдалар учун ер ости ўтиш йўллари қурилади.

Шимолий вокзалга олиб борадиган Шевченко кўчаси ва йўл ёқасидаги хиёбонларни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Марказий универсал магазини билан «Мовий гумбазлар» чоҳонаси ўртасидаги кўча тор, сершовкин эди. Эндиликда бу кўча ўрнида ёнидаги хиёбонга кўшилиб кетадиган яхлит боғ барпо этилади. У ҳамшаҳарларимизнинг севимли масканига айлани-

ши шубҳасиз.

Президентимиз мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга янги сайилгоҳда, кўчаларда ва хиёбонларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида зарур кўрсатма ва топшириқлар берди.

Пойтахтимиз кундан-кунга янада чиroy очиб бормоқда. Булар Президентимиз раҳбарлигида шаҳар қиёфасини давр талабларига тўла жавоб берадиган даражада янгилан, уни дунёнинг энг гўзал ва замонавий шаҳарларидан бирига айлантиришдек эзгу ишларнинг самарасидир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар жиҳатдан эскирган бинолар ўрнига янгиларини қурмоқ, пойтахтимизнинг барча майдон, сайилгоҳ, кўча ва хиёбонларини юксак дид билан барпо этмоқ ва безамок лозим.

Ғулom МИРЗО,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодийнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва унинг айирбошлаш курси барқарорлигини кучайтириш, аҳолининг банк депозитларига қўядиган омонатлари кўпайтириш, кредит портфелларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриши;

тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриши;

тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг қўламда жалб этган ҳолда қўшма банклар ташкил қилиши;

пул-кредит сиёсати воситаларини, жумладан лойиҳаларни молиялаштини янада тақомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истеъмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиши;

иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодийнинг реал тармоқларига инвестиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши;

тижорат банкларининг корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларида кенг иштирок қилиши, қимматли қоғозлар бозорига тижорат банкларининг операцияларини ва банкларнинг корхоналарни ишончли бошқарувидаги иштирокларини кенгайтириши;

тижорат банкларини касбий жиҳатдан юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, банк ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиққан 2005-2007 йилларда Банк секторини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгилликлар, воқеалар

ҚИССА

● **ТОШКЕНТ** Давлат педиатрия тиббиёт институтига Ўзбекистон ҳоржий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар жамияти ҳамда Ўзбекистон-Латвия «Дўстлик» жамияти ҳамкорликларида талабалар, ўқитувчилар иштирокида Сихат-саломатлик йили муносабати билан тадбир уюштирилди.

● **ЮНСУ** Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежиде ташкил этилган «Очқ эшиклар куни» тадбирида шаҳримиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** Яққасарой туманидаги Муқимий маҳалласида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Гибандлик-келажак қушандиси» деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида талабалар иштирокида «Университет маликалари» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

● **ЎТГАН** куни 214-мактабда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилган «Қамолот»га саёҳат» тадбирида бошланғич синф ўқувчилари «Қамалак» болалар ташкилотига аъзо бўлишди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Мискин маҳалласида маҳалла фуқаролари иштирокида уюштирилган тадбир «Солиқ сиёсати. Солиқларнинг моҳияти ҳамда солиқларни ташкиллаштириш устувор вазифадир» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Жаҳонда

● **Сербия** Президенти Борис Тадич собик Югославия Иттифоқи армиясининг аввалги раҳбари Небойша Павкович 1999 йилда Косовода содир этган ҳарбий жиноятлари учун яқин икки ҳафта ичида Гаага халқаро трибуналига топширилишини маълум қилди.

● **Ироқ** пойтахти Бағдод шаҳридаги бозорлардан бирида ҳамда икки ишлар вазирилик биноси яқинидаги гавжум кўчада кетма-кет учта портлаш содир этилиши натижасида 20 га яқин бегунох кишилар ҳаётдан кўз юмди.

● **Франция** пойтахти марказида жойлашган «Париж операси» меҳмонхонасида чиққан кучли ёнғин натижасида эса 20 га яқин киши ҳалок бўлган, 60 дан ортиқ қиллоқ оғир тан жароҳати олган.

● **Болалар** ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Даниянинг машҳур LEGO фирмаси кейинги пайтларда катта зарар кўраётганлиги сабабли ўзининг 4 та кўнғилчор болгаларини сотишни кўзда тутмоқда. Мазкур фирма кўрган зарар миқдори фақат ўтган йилнинг ўзида 328 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА
ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг янги ташкил этиладиган банклар устав капиталнинг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 2007 йилнинг 1 январига қадар қуйидаги миқдорларга етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин: тижорат банклари учун — сўмга айлантйриб ҳисоблаганда 5 миллион АҚШ доллари гача;

хусусий банклар учун — сўмга айлантйриб ҳисоблаганда 2,5 миллион АҚШ доллари гача.

Тижорат банкларига банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қорғозларни эмиссия қилиш ва сотиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг жалб этиладиган депозитларини ошириш ҳисобига уларнинг активларини кўпайтириш бўйича 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда тижорат банкнинг ўз капитали (регулятив капитал)нинг банк активлари умумий миқдорига нисбати 10 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас.

5. Тижорат ва хусусий банкларнинг акциядорлик ҳамиятларини ишончли бошқарувида фаол ҳамда кенроқ иштирок этишлари уларнинг республика ҳудудидаги устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш учун тижорат банкларига қимматли қорғозларнинг бирламчи бозорида қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишларига рухсат берилсин.

6. Тижорат банклари акциялари (улушлари) бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ва Марказий банк иштирокида 2005-2006 йилларда «Асака» банкни хусусийлаштиришни, 2005-2009 йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкни хусусийлаштиришни амалга оширсин, давлат улуши қисмини етакчи хорижий банкларга ва халқро молия институтларига сотсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг тижорат банкларига 2010 йилни ҳам ўз ичига олган даврда қуйидаги солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

банклар республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдаларини фойда (даромад) солигидан озод қилиш. Статистика ва банк ҳисоботларида банкларнинг берилган узоқ муддатли кредитлардан олган фойдалари акс эттирилиши таъминлансин;

тижорат банкларининг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган кичик банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиққа тортиладиган базадан чиқариш.

9. Тижорат банкларига халқро банк нормаларига мувофиқ синдициялаштирилган кредитларни амалиётга кенг татбиқ қилиш, жумладан хорижий банк капиталини жалб этиш йўли билан инвестиция дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш тавсия қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва инвестиция кредитлари ажратиш бўйича коллегиял қарорлар қабул қилиш тартибини кучайтирсин;

банкларнинг лойиҳаларни инвестициялаш, инвестиция кредитлари бериш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари билан шугулланувчи таркибий бўлинмаларини юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамласин;

Банк-молия академиясида лойиҳаларни молиялаш факультети ва банк ходимлари малакасини ошириш курсларини очсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда тижорат банклари Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

тижорат банкларининг кредит портфелларини, жумладан Ҳуқумат томонидан кафолатланган кредитларни комплекс таҳлил қилисин; ҳар бир тижорат банки бўйича корхоналарнинг қарз мажбуриятларини дисконт қиймати бўйича учинчи шахсларга сотиш, банкротлик таомиллари жараёнида тугатилган ва сотилган корхоналарнинг умидсиз кредитлари суммаларини банкларнинг зарарига олиб бориш йўли билан ҳисобдан чиқариш назарда тутилган муаммолари кредитларни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқсин;

тижорат банкларининг Ҳуқумат кафолати билан берилган кредитларни реструктуризациялашни таъминлаш мақсадида давлат қимматли қорғозларини чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Тошкент шаҳри,
2005 йил 15 апрель

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2005-2007 йилларда тижорат банкларига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

тугатиладиган банкрот корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати кафолати билан берилган кредитлар бўйича қарзини биринчи навбатда ундириб олиш;

банкротлик тўғрисида банк томонидан қўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган, кредиторлик қарзи таркибиде банк кредитлари бўйича қарз 70 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этадиган корхонани, суд қарори бўйича банк мулкига ўтказиш, шу жумладан бундай корхонани сотишдан олинган маблағларни кредиторлик қарзини қоплашга йўналтирилган ҳолда уни маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш.

Белгилансинки, тижорат банкларининг банкротлик тўғрисида банк томонидан қўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган корхонанинг банк мулкига ўтказилиши натижасида қўлга киритилган мол-мулки янги мулкдорларга сотилмагунча мулк ва ер солиғига тортилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тижорат банклари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувиغا, банклар ва уларнинг филиалларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбирлар ва ишларни бажаришга жалб этишга йўл қўймаглик бораида банклар тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни кучайтирсин. Қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилсин.


14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин, уларда банк кредитларини таъминлаш гарови сифатида расмийлаштирилган тўловни мулк ҳисобидан ундиришнинг суддан ташқари тартиби соддалаштирилиши кўзда тутилсин;

ўзининг меъёрий ҳужжатларини мазукур қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**



**Жаҳон ва маҳаллий
ахборот воситалари
хабарларидан**

● Ливан раҳбариятининг янги ҳукуматни шакллантиришга уринишлари яна муваффақиятсизлик билан яқунланди. Ливан бош вазири Умар Карамий барча ваколатларни ўз зиммасидан соқит қилиши ҳақида баёнот берди.

● Барҳам топиб бораётган Исроил-Фаластин можаролари яна авж олиб кетиши мумкин. Рафияҳдаги қочқорлар лагерига уч нафар фаластинлик ўспиринларнинг Исроил ҳарбийлари томонидан отиб ўлдирилиши изга тушиб бораётган тинчлик келишувига совуқчилик аралаштирмоқда. Фаластиннинг «ХАМАС» ва «Ислам жиҳоди» террорчи ташкилотлари бу воқеани кескин қоралашиб, тушунтиришлар талаб этишган.

● Саудия Арабистонининг олий диний ҳукумати аёлларни дохишига қарши эрга беришни таъқиқлади. Бу таъқиқ Саудия Арабистониде аёллар ҳуқуқи учун курашаётганларнинг галабаси бўлди. Олий муфтий Абдулазиз аш-Шаих мажбуран оила қуриш Ислам ҳуқуқига зид эканлиги ва энди бунга амал қилмаганлар жазоланиши кераклигини айтди.

● Учувчилар кабинасида тутун юзига келиши натижасида Britania Airways авиакомпаниясига қарашли самолёт Туркиянинг Трабзон аэропортига фавуқлодда қўнишга мажбур бўлди, деб хабар беради BBC News. «Boeing 767» русумли мазукур самолёт Тайланднинг Пхукет аэропоридан Дания пойтахти Копенгагенга қараб парвоз қилаётган эди. Учувчиларнинг тезкор чоралари туфайли 350 нафар йўловчининг ҳаёти сақлаб қолинди.

● Осло конференциясида донор мамлакатлар фожеали фуқаролар урушини бошдан кечирган Суданга 2,6 миллиард доллар ажратишга ваъда беришди. Норвегия ривожланиш вазири Хильде Фрафборд Жонсоннинг маълум қилишича, 60 мамлакат ҳукумати вакиллари иштирок этган конференция ана шундай қарорга келди.

● Украина президентлигига собиқ номзод ва ҳозирда мухолифатчи Виктор Янукович амалдаги ҳукумат билан музокара олиб бориш ниятида. «Регионлар партияси» бошлиғи Януковичнинг бундай қарорга келишига Донецк вилояти кенгаши раиси Борис Келесниковнинг ҳибсга олиниси сабаб бўлди. «Интерфакс» хабарларига кўра Борис Келесников 8 апрель кунни таъмагирликда гумон қилиниб ҳибсга олинганди.

● АҚШда қутилмаган обҳаво ҳуқмонлиқ қилмоқда. Колорадо ва Денвер штатида икки кундириқ қор тинмай ёғмоқда. Сирноптиклар маълумотича, у ерда ҳозирга қадар 25 сантиметр қалинликда қор тушган. Бу кўрсаткич 75 сантиметрга етиши мумкинлиги айтилмоқда. Маҳаллий аэропорт ва автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтатилган. Штат аҳолиси электр энергиясиз қолган.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарган йиғилишда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини кучайтириш масалалари мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони бу соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Бу мамлакатимизда икки палатали парламент ва маҳаллий кенгашларга ўтган сайловларда, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз ифодасини топмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кучайтириш борасидаги масала ҳам муҳокама этилди. Давлатимиз раҳбарининг номи зикр этилган Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурла-

ри ишлаб чиқилган. Бу борада жойларда муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, уларнинг кўламини янада кенгайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Айниқса, қишлоқ жойларида бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлиги кайд этилди. Эришилган ютуқлар ҳам, мавжуд камчиликлар ҳам аниқ мисоллар асосида таҳлил этилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролари йиғинларида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг иш натижалари, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ёшларни турли экстремистик гуруҳлар таъсиридан асраш борасида ушбу маслаҳатчиларнинг фаолияти сезиларли бўлаётганлиги таъкидланди. Айни пайтда маслаҳатчилар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Баҳорчи қақирув-2005»

**ОҚ ЙЎЛ СИЗГА,
ЙИГИТЛАР!**

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда ёшларни армия сафига чақирув ишлари давом этмоқда.

Баҳорчи қақирувни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳарбий хизматга ҳар томонлама етуқ, жисмонан ва руҳан комил ёшларни танлаб олиш барча мудоффа ишлари бошқарма ва бўлиmlарининг шу кундаги асосий вазифасига айланган.

Тошкент шаҳар йиғин пунктида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги кузатишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ва ота-оналар иштирок этди.

Маросимда Тошкент шаҳар мудоффа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Б.Маҳмудов ва бошқарма давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз мудоффа қобилиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиладигани, юртимизда ҳарбий хизмат ёшларнинг эзгу мақсадига айланиб бораётгани, шунингдек бугунги асқар зиммасидаги шарафли бурч ва масъулият ҳақида сўз юритилди.

Сўзга чиққанлар Қуролли Кучлар сафига отланган ёшларни она Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчини муваффақиятли адо этишига, ҳарбий хизматни матонат билан ўташга чақирдилар.

Баъдий жамоалар ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

(ЎЗА)

Салоҳиятнинг кадрлар — келажагимиз пойдевори

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Кейинги йилларда барча тармоқларда бўлгани каби раҳбар кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиб бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиб, ҳар томонлама билим ва тажрибаларини ошириб қайтаётган тингловчилар турли соҳаларнинг ривожланиши ва тараққий этишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Куни кеча транспорт тизимида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликлар билан танишиш, уларни ўрганиш ва фикр алмашиш мақсадида Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларининг навбатдаги амалий машғулоти «12-автобус саройи» очик турдаги акциядорлик жамиятида бўлиб ўтди.

— Ҳар бир соҳа бўйича жойларга чиқиб амалий машғулотларни ўтказишдан катта мақсадларни кўзлаганимиз, — дейди биз билан суҳбатда академиянинг «Менеджмент» кафедраси мудири Дилфуза Раҳимова. — Тингловчиларимиз учун «Давлат хизмати персоналини бошқариш» фанидан «Давлат хизматида касбий танлаш ва қабул қилиш» мавзуси бўйича ўтказиладиган амалий машғулоти учун барча жиҳатдан кўрсаткичлари юқори бўлган ушбу корхонани бежизга танламадик. Улар бугун корхона фаолияти билан яқиндан танишиб, бошқарув тизими, ривожланиш имкониятлари, келгусидаги иш режалари, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг талабларини ўрга-



ниш, дуч келинаётган тўсиқлар ва уларни бартараф этишдаги изланишлар, кадрлар сиёсати, аниқ мақсадларга эришишда, ходимларнинг салбий ва ижобий хусусиятларини ўрганишда раҳбарнинг тутаётган йўли, бошқарув этикаси каби қатор саволларга жавоблар оладилар.

«Тошшаҳар йўловчиларнинг Автотранспорт бошқаруви бошлиғи Салоҳиддин Асомиддинов, «12-автобус саройи» очик турдаги акциядорлик жамияти раҳбари Қудратжон Зикиров транспорт тизимидаги янгилик, изланиш, муаммо ва ечимлар, Сиҳат-саломатлик йилида амалга ошириладиган

кенг кўламли, аҳоли соҳлиги муҳофазаси йўлида режаланган йомушлар ҳақида тўлиқ маълумот бердилар.

Машғулот фойдали ўтиб, 55 нафар тингловчининг ҳар бири маълум маънода иш фаолиятига керак бўладиган тушунчани олди, албатта. Чунки мулоқотнинг қизиқарли, баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой ўтганилиги шунини кўрсатиб турибди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари ҳар бир иш жараёни билан яқиндан танишиб, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашмоқдалар.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат.

Мағбурлар

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониинг ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида бугунги кунда маҳалла хотин-қизларининг фаоллиги сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Жумладан, Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалланинг фаол хотин-қизлари ўртасида олиб борилаётган ишлар, маданий-маърифий тадбирлар диққатга сазовордир. Шунини таъкидлаш керакки, Мирзо Улуғбек туманидаги намунали маҳаллалардан саналиб, аҳолининг асосий қисминини зиялилар ташкил қилади. Ушбу маҳаллада диний маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Хусусан, яқинда Юнусобод тумани хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамкорликларида Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла гузарига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун «Табии тарбияда Миллий истиқлол ғояси» мавзусида давр суҳбати ташкил этилди.

Мазкур уchrануви ўтказишдан асосий мақсад, келажагимиз бўлган ёшларимизни ёвуз иллатлардан сақлаш, миллий истиқлол ғоясини улар онига синдириш, миллий қадриятларимизга эҳтиром ва ватанпарварлик туйғусини уйғотиш эди.

Тадбирда сўз олган Юнусобод тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Ёқутхон Ражапова, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Нафиса Акбарова, Мирзо Улуғбек маҳалласи оқсоқоли З.Ақбаров маънавий ва жисмоний жиҳатдан бар-

камол авлодни тарбиялашда, ёшларни жиноятчилик, гиёвандлик, экстремизм ва терроризм йўлига кириб кетишдан сақлаш учун зарур бўлган соғлом, маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш муҳимлигини таъкидладилар. Хусусан, фарзанд тарбияси билан шугулланишда асосий вазифани бажарадиган аёлларимиздан (айниқса уйда ўтириб қолган, жамиятда рўй бераётган янгиликлардан, воқеа-ҳодисалардан хабари йўқ аёлларимиздан) бу йўлда кўпроқ масъулият ва ҳушёрлик талаб этилиши, уларни ўтказилаётган бундай тадбирларга кўпроқ жалб қилиш ҳамда сиёсий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ўстириш кераклиги каби долзарб масалалар алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг энг қимматли хазинаси — соғлом оиладир. Ушбу масаллада ҳозирда хотин-қизлар кўмитаси маҳалла билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиб келмоқда. Лекин ёшлар тарбияси фақат бу икки ташкилотнинг вазифаси эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Ёшларнинг соғлом тарбияси учун барчамиз масъулмиз. Шунинг учун, бу йўлда ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида самарали ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини янада кучайтириш лозим деб ўйлаймиз.

Дилором ДҮСМУҲАМЕДОВА

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

Эрталаб бекатларни кузатсангиз тумонат одам тўпланиб турганини кўрасиз. Уларнинг ҳаммаси бетоқат ҳолда автобус келишини кутишади, пешма-пеш соатга қарашади. Учакишгандек машинадан дарак йўқ. Бордию келганида ҳам, тиқилинчда унга ким чиқади, ким чиқолмайди.

Муноҳаза, муноҳаза

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Яқинда биз ҳам эрталаб Юнусободнинг Шаҳристон бекатида 60-автобусни анча кутиб қолдик. Ён-атрофдагилардан сўрасак, улар негадир кейинги вақтда шу йўналиш бўйича қатновчи автобуслар камайиб кетганлигини айтишди.

Нима ҳам қилардик, ишга кечиксакда тоқат билан кутишга мажбур бўлдик. Ниҳоят узоқдан биз кутган машина кўринди. Ичида йўловчилар кўплигидан унинг эшиклари аранг очилди. Бир тўда ёшлар гур этиб ўзларини ичкарига уришди. Биз қариялар, болали аёллар бир четда қолиб кетавердик.

— Энди навбатдагисини кутишга тўғри келади. Лекин униси қачон келаркин? Шундай савол билан бир-биримизга мурожаат қиламиз.

— Яна камида 20 дақиқа кутишларингизга тўғри келади, — дейди кимдир.

— Биргина 60-ни эмас, — дея суҳбатга қўшилади шу бекатда бошқа йўналишдаги автобусга зор-интизор кўз тикиб турган йўловчилардан бири. — Бу ҳол 91, 67-автобусларида ҳам тез-тез такрорланиб туради.

— Мен ҳар куни эрталаб шу ерда 97-автобусни пойлайман, — дейди йўловчилардан яна бири. — Кўпчилик йўналишларда ҳар куни шу аҳвол такрорланади.

Хуллас шу куни 60-автобусга чика олмадик. Бекатда турна қатор тизилиб, йўловчилар хизматига ҳозир-нозир бўлиб турган шахсий машиналардан бирини ўтириб, (лекин бундай қулай хизматни ҳар кимнинг ҳам ҳамини кўтаравермайди) манзилимизга етиб келдик. Йўл-йўлакай бизда шахримиздаги йўловчиларга хизмат кўрсатадиган автобус саройларининг мутасаддилари йўловчиларнинг бу ҳақли эътирозларини ҳисобга олиб эрталаб ва кечки тигиз вақтларда одамлар гавжум бўладиган йўналишларда автобуслар сонини бироз кўпайтириб қўйсалар бўлмасмикан, деган фикр туғилди. Бу ҳақда ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди.

Қобил ИСОҚОВ ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

Эрталаб ишга бораётганимизда тоза ва озода кўчалардан ўтсангиз баҳри-дилининг очилади, аксинча эса табиатингиз хира тортиб, дилингиз

ранжийди. Сизнинг диққатингизни жалб этган шу йўл ва йўлкачаларнинг қай даражада тартибли, озодлиги шу жойга бириктирилган фаррошларнинг хизматига, дид ва фаросатига боғлиқ. Ўз ишига сидқидилдан ёндошган фаррош саҳар туриб ҳали йўловчилар кўчага йўл олмасдан ўз худудларини супуриб-сидириб, озода қилиб қўяди. Баъзилари эса бу одатдан йироқ. Улар хоҳ-

лаган вақтларида ишга чиқишади. Уй юмушларидан қўллар бўшаган пайтлардагина ўзларига бириктирилган кўчани шошқич, чангитиб супуриб-сидиришга тушишади. Айниқса, бу ҳолнинг одамлар ишга шошилиб бораётганида юз бериши ҳар қандай кишининг гашини келтиради.

Ён қўшимиз Хосият хола узоқ йиллардан бери фаррошлик қилади. Қўни-қўшничилик, баъзан хола билан иш юзасидан суҳбатлашиб қоламиз.

— 15 йилдан бери кўча тозалайман. Чекимга энг гавжум хибонлардан бири тушган. У жойни уч маҳал супуриб-сидираман. Эрталабки иш вақтим соат 6 да, ёзги вақтлари эса 5 да бошланади. Йўловчилар кўчага чиққунча юмушлардан қутуламан. Ҳамкасбларимга ҳам шу тартибда ишлашни уқтираман. Умуман эрталабки ишда унум бўлади. Иккинчидан, хизматга отланган йўловчи тоза ва озода кўчалар ўтиб борса дили ёришади.

Қани энди ҳамма фаррошлар ҳам ўз вазифасига шундай масъулият билан ёндошсалар нур устига нур бўларди.

Олим ҚОДИРОВ

ХУСУСИЙ ТЎХТАШ ЖОЙИ

Яқинда Сергелидаги машина бозорига бордик. Машина тўхташ жойлари тиқилинч бўлгани учун улловимизни сабзавот маҳсулотлари бозори яқинида қаровсиз қолдирдик. Икки соатлар чамаси бозорни айланиб чиқсак, машинамиз турган жой ҳам шахсий транспортларга тўлиб кетибди. Уловимиз яқинига боришимиз билан олдимизга ёшигина йигит югуриб келди.

— Кетсаларингиз, жой ҳақини тўлаб кетинглар.

Ҳайрон бўлиб сўрадик. — Қанақа ҳақ. Ахир бу жой пуллик тўхташ жойи эмаску? — Хусусий тўхташ жойи бу, — деди у ва кўйрада қўймай биздан 500 сўмини ундирди.

Ҳозир шахримизнинг қатнов гавжум ерларида шунчақ хусусий тўхташ жойлари кўпайиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки бу ҳолат анча вақтдан бери ҳукм суриб келяпти. Бир нарса бизни қизиқтиради. Хўш, бу хусусий тўхташ жойлари кимга қарашли? Уларни ким назорат қилади?

Сади́р ТОЛИПОВ

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИЎ
Дона бўлиш...

• Утган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард.

Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ.

Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.

Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсага ея олмай қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймонлик эса қўлдан келса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай вақтни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашиш орқали муносиб бўлмаган муросасиз ўйлаб қолиш орқасидан келади.

• Уз айбини кўрмаган ўзга айбини кидиради.

Дўстинг оч бўлса, сен тўқ бўлсанг, бу айбидир!

• **Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон. Юз йиллик бойликни қилмайлик пинҳон.**

Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод,

Тасаввур қилайлик ўзни Кайкубуд.

Дунё роҳатидан талаб қилиб дод.

Кечаю эртани айламайлик ёд.

• **Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар, Бефарқ кишилар ўзни йўқотар!**

• Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, кулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, қомат қиради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулойимлик, саховат, шижоат, илм, камтарлик, ифрат ва шунга ўхшаш бошқалардир.

• Бойлигинга мағрурланма, унинг усти чиroyли кўринса ҳам ичи нихоятда ифлос бўлиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишни шошмасдан ўйлаб қил. Сирингни ҳаммага айтаверма, илмсиз кишиларнинг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғуриб, умрингни зое ўтказма! Шеър:

Дилимда қанчалар сўзим бор бирок,

Шакарнинг кўпидан озидир созорок!

Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон,

Кўп сўздан кишига этади зиён!

• Ақл ва фаҳм Хонининг соҳиблари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатшунослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ Хон ёки дастурхон устида шерик бўлсалар, овқатга бир-бировидан аввал кўл узатишга шошилмасдан, бир-бирига таклиф ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монандли ил ва тўнғиз ҳамда бошқа ҳайвонлар каби ўзини овқатга отмасликлари керак. Кимки, ёш жиҳатидан кичик бўлса ёши каттароғи овқатга кўл узатмагунча сабр қилмоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

**ҲАМКОРЛИК
СОҲАСИ — ТИББИЁТ**

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, биринчи навбатда, бутун мамлакат аҳолиси, шу жумладан қишлоқлар ва чекка ҳудудларда яшаётган одамларнинг малакали тиббий хизматлардан фойдалана олишига имконият яратишга қаратилган. Амалга оширилган ўзгаришлардан бири турли ихтисосдаги махсус тиббий марказларнинг ташкил этилиши бўлди.

Уларда қўлланилаётган энг илгор технология ва ускуналар беморларга янада сифатли ва тезкор ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Бундай фаолиятга нафақат мамлакатимиз, балки тиббиёт соҳаси ишини таъминлайдиган энг илгор хорижий корхоналар ҳам жалб этилган. Энди ушбу жараёнда Польшанинг машҳур «ABPLANALP Consulting» компанияси ҳам иштирок этади. У соғлиқни сақлаш муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва жиҳозлаш ҳамда Европанинг ихтисослашган марказлари тажрибаси асосида ходимларни ўқитишни ташкил этиш билан шуғулланади.

Апрель ойининг бошида Ўзэкспомарказда бўлиб ўтган «Соғлиқни сақлаш-2005» халқаро кўргазмасида бундай ҳамкорлик тўғрисида келишиб олинди, кўргазмада Польша фирмаси-

нинг маҳсулотлари ҳам намоиш этилди. Тошкент кўргазмасида Польшанинг тўққизта йирик корхонаси иштироки натижалари буйича Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси савдо-иқтисодий бўлими томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида бу ҳақда маълумот берилди.

Эътиборли томони шундаки, бу йил «Соғлиқни сақлаш» аъънавий халқаро кўргазмасида улар ўз маҳсулотларини алоҳида-алоҳида эмас, балки умумий миллий стендада тақдим этишди. Тиббиёт соҳаси Ўзбекистон-Польша ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришни истаган компания ва фирмалари сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Бунда иқтисодий омилар билан бир қаторда аъънавий алоқалар ҳам маълум роль ўйнамоқда. Улар туфайли минтақамизга Польшанинг дори-дармонлари ва турли тиббий ускуналари етказиб берилган. Бугун ҳам ишлаб чиқарилаётган кўп препаратлар истеъмолчиларга яхши таниш, кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг даволаш муассасаларида қўлланиб келинмоқда.

Кўргазмада иштирок этган Польша компаниялари вакиллари Тошкент шаҳри даволаш муассасалари, шу жумладан махсус тиббий марказларга ташриф буюрди. Учрашувлар давомида уларнинг ускуналар ва дори-дармонларга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни етказиб бериш вақти ва ҳажми билан боғлиқ жиҳатлар аниқлаштирилди.

Матбуот анжуманида таъкидландики, Тошкентда халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши ҳамкорлар сонини ошириш имконини беради. Бу галги кўргазма якунларига кўра қатор янги битимлар имзоланди, уларнинг амалга оширилиши ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга ёрдам беради.

(ЎЗА)

Санъатнинг соҳри олами

НАФОСАТГА БОЙ ЧИЗГИЛАР

Фасли навбахор, Наврўз айёми ижодкор ахли учун илҳом булоғи қайнайдиган палла. Рассом ижодининг ўзига хослиги яратган асарини санъат учун ҳам, санъаткор учун ҳам фойдали, зарур материалга айлантиради. Мухими, ижодий ўзига хослик санъат олами-нинг ранг-баранглигини таъминлайди. Унда мавжуд бир хилликка чек қўяди. Мамлакатимизда рангтасвир санъатининг бу фазилатлари кейинги йилларда анча бойиди.

Рассомлар орасида Мухаммад Нуриддинов ҳам рангтасвир санъатига муносиб ҳисса қўшиб, баъдий ижодда ўзига хос қалам тебратадиган ижодкор эканлигини намойён этиб келмоқда. У Репин номидаги Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва мейморчилик институтини битириб қайтгач, таниқли рассомлар, айниқса мумтоз рассомлар ижодини кунт билан ўрганди ва кўп изланди. Машаққатли изланишлари натижасида ўзига хос бир қатор полотноларни яратишга эришди. Айниқса, баҳорнинг бекиёс гўзаллигини, табиат манзаралари ҳамда инсонлар қиёфасини чизишга, ҳаётдаги оддий кўринишларни қаламга олиб фалсафий мушоҳада қилишга интилди. Ижодкор танлаган мавзунини чуқур ўрганиб турфа хил рангларини уйғунлаштириш ҳолда ўша мавзунини, максadini очик-ойдин тиниқ бўёқларда яққол намойён эта бошлади. Рассом дастгоҳли рангтасвир йўналишида портрет, картина, натур-морт асарлар яратиб кенг қўламда ижод қилди. 1976 йилдан бошлаб республика ва чет эл кўргазмаларида иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Унинг шахсий коллекциялари Англия, Америка, Франция, Туркия, Япония, Россия ва

Мамажонов портрети». «Италия элчиси Карло Унгаро портрети» ва бошқа кўплаб асарлари нафис санъат илҳосманлари эътиборини жалб этиб келмоқда. Шунингдек, рассом тарихий мавзуларга ҳам кўл уриб бир қатор асарлар яратган. Унинг Соҳибқирон Амир Темурга бағишлаб чизган асари Темурийлар тарихи Давлат музейига кўрк бағишлаб турибди. Ўзбекистон Давлат санъат музейидан ўрин олган асарлари ҳам мухлислар тилига тушган. Рассомнинг бир қатор ижод намуналарини кузатсангиз, унинг она заминга, Ватанга, халқига бўлган меҳр-мухаббатини яққол ҳис этасиз.


Мухаммад Нуриддинов рассомлар ўртасида бўлиб ўтган «Ватан — маҳалладан бошланади» номили кўрик-танловда иштирок этиб, «Оила» асарини совринли ўринни кўлга киритди. Шунингдек, Ўзбекистон Баъдий академиясининг Замонавий санъат марказида шахсий кўргазмаси намоиш этилди. Унда рассомнинг 80 дан ортиқ асарлари ўрин олиб, Баъдий академиянинг олтин медалига сазовор бўлди. Йилдан йилга муваффақиятларга эришиб келаётган серқирра ижодкор ҳаётида 2003 йил ўчмас из қолдирди. Мустақиллигимиз байрами арафасида унинг машаққатли меҳнатлари ҳукума-

тимиз томонидан муносиб баҳолашиб, «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонига сазовор бўлди.

— Бу юксак унвонни олий мукофот, ижодимга берилган юксак баҳо деб биламан, — дейди Мухаммад Нуриддинов. — Бу юксак ишончдан нихоятда хурсандман. Бу мукофот гўё менга қанот бағишлади, илҳом берди. Ушбу ишонч, эътибор мени келгусида яна ҳам иштиёқ билан янги-янги асарлар яратишга ундамоқда.

Санъат — истеъдод ва маҳорат билан юзага келади, албатта. Санъатнинг жони ишонтиришда. Рассомчилик ҳам гўё игна билан қудуқ қазийдек гап. Ўзига яраша машаққатлари бор. Рассомлар ҳам шоирлар каби юрган йўлида атрофини кузатади, изланади, мавзу танлайди.

— Мен хар бир асарни бошлашдан олдин шу мавзунини чуқур ўрганаман. Ёшлигимдан мумтоз рассомлар ижодига мурожаат қилиб, уларнинг асарларини ўрганиб келаман, — дейди Мухаммад Нуриддинов. — Р.Ахмедов, Н.Кўзибоев, Р.Чориев сингалари таниқли мўйқалам соҳибларини ўзимга устоз деб биламан. Шуни мамнуният билан айтаманки, бугунги кунда шогирдларим сони ҳам ортиб бормоқда. Уйлайманки, рассом аввало табиатни кўра



билиши, ранглари табиатдан танлай олиши керак. Табиат яратган ҳамма нарса гўзал. Ижодкор ҳаётни севиши керак. Ана шундангина атрофдаги ҳамма нарса гўзал кўринади. Ҳаётдан, табиатдан узоқлашган рассом кекса дарактага ўхшаб қурийдик, таъмом бўлади.

Дарҳақиқат, санъат фақатгина кучга тўлган, салоҳиятли ўткир қалам соҳиблари билан янада олға силжийди, юксалади. Тасвирий санъатнинг ҳам йўли оғир ва машаққатли. Биз серқирра ижодкор Мухаммад Нуриддиновнинг ижодига янада баркамоллик тилаймиз. Изланувчан мусаввир келгусида санъат мухлисларини янги-янги, мазмунли, нафосатга йўғрилган асарлари билан хушнуд этади, деб умид қиламиз.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ рассоми Мухаммад Нуриддинов ижод жараёнида; рассом ижодидан намуналар.



Калейдоскоп

ДИСПЕТЧЕРЛАР
ЁРДАМИДА

Япониянинг АНА авиакомпаниясига қарашли «Боинг-767» самолёти бахтли тасодиф туфайли авиаҳалокатдан сақланиб қолди. Ҳаво транспорти министрига хабарига қараганда, 81 кишилик пассажир самолёти сўнгги дақиқаларда «Ю-36А» ҳарбий самолётига четлаб ўтди. Бу воқеа Сихоку ороли атрофидаги 8700 метр баландликда содир бўлди.

«Боинг-767» Кагосима — Нагая рейсини бажараётган эли, шу пайтда ҳарбий ҳаво кучларига қарашли самолёт Ивакунидаги авиабазадан чиқиб Ацуги базасига учиб кетганда граждан авиацияси ҳаво йўлига кириб 100-200 метр масофага чакан пассажир самолётига яқинлашди. Фақат Токиодаги авианазорат диспетчерлари самолётлар бир-бирига яқинлашганини радарлар орқали кўриб лэйнер командирига хабар беришга улгуришди.

ҚАДИМИЙ
ДОСТОН
ИЗИДАН

Кришанинг худоларидан бири йўқ бўлгач, Араб денгизи унинг пойтахти Дваркуни ўз гирдобига тортиди, деб ёзилган Ҳиндистон достонларининг бирида. Шундай қилиб шаҳар шоирлар тилида қолди, бироқ бу ҳол археологларнинг изланишларидан кейин тасдиқланди.

Улар томонидан уч йил давомида ҳозирги Гужарат вилояти қирғоқларида ўтказилган тадқиқотлардан кўриниб турибдики, ҳақиқатан ҳам бу ерда илгари гуллаб-яшнаган шаҳар мавжуд бўлган. Археологлар шаҳар деворларининг, турар жой биноларининг ва учта эҳромнинг қолдиқларини, шунингдек, 150 килограммла лантар ва турли хил металлдан ишланган уй-жиҳозларини топдишган.

Ҳар тўғрисида

ЯПОНЧА
ЧЎП-ҚОШИҚ

Японияда яшовчи болаларнинг кўпчилиги катталарга ўхшаб овқатни маҳсуе таёқчаларда эмас, европача қошиқда ейишар экан. Миллий урф-олатни сақлаб қолиш учун болаларга атаб маҳсуе ўқув таёқчалари ишлаб чиқарила бошланди. Унда овқат ейиш пайтида таёқчаларни қайси бармоқ орасида, қандай тутиш лозимлиги тўғрисида йўл-йўриқлар ҳам берилган.

Бу иш кўпчилиги японларга маъқул тушди шекилли, ҳозир улар кунига 15-20 минг ўқув таёқчалари сотиб олишмоқда.

Францияда санъат
кўргазмаси

Франциянинг Марсель шаҳрида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси якунланди.

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуманга таниқли маданият арбоблари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, кўп сонли санъат ихлосмандлари ташриф буюриб, халқимизнинг бой маданий мероси намуналари бўлмиш зардўзлик, сўзана, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра ҳамда кулолчилик асарлари билан эътибор танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бугун Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро бирдамлик ва тотувлик дунё мамлакат-

ларига ўрناк бўлапти, биз бунинг қадрига етамиз, — дейди Франция Миллий Ассамблеяси депутаты, парламент мудофаа комиссияси раиси, шаҳарнинг 9-10 департаментлари мэри Гий Тесьер. — Мазкур кўргазмада намойиш этилаётган санъат асарлари эса ўзбек халқининг нақадар чуқур тарихий қадриятларга эга-лигини далил қилиб бермоқда. Улар ўз сеҳри билан мафтун этиб, ҳар бир ихлосмандни шарқона эртақлар оламига етакляпти.

Ўзбек санъаткорларининг чиқишлари ҳамда миллий таомлар кўриги Марселда биринчи марта ташкил этилган ушбу маданий воқеа дастурига янада файз қўшди.

Биз ва жаҳон

Мозори-Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукмати номидан Афғонистон Ислам Республикасига беғараз ёрдам сифатида 60 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари топширилди.

Кобулда олма гуллайди

Гуманитар юкни топшириш маросимида Афғонистон кишлқ ҳўжалиги вазирлиги кишлқ ҳўжалиги кооперативлари бош бошқармаси бошлиги Ҳабибулла Ҳабиб кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондан келтирилган кўчатлар афғон заминини гуллаб-яшнашига улуш қўишини таъкидлади.

Ҳ.Ҳабиб йигилганларга Афғонистон ҳукмати қарорига биноан кўчатларнинг ярми 5 минг донадан Фарёб, Жоузжон, Сари-Пул, Балх, Саманган, Кундуз вилоятларига тарқатилиши, қолган ярми билан эса Кобул шаҳри марказий кўчалари кўкўламзорлаштирилишини хабар килди.

Кобулда ўзбек ва афғон киночилари ҳамкорлигида суратга олинган «Абрхо» («Булутлар») фильмининг тақдими маросими бўлиб ўтди. Янги фильм томошабинларга Афғонистон маданият вазири

ўринбосари Муҳаммад Станакзай, «Афғонфильм» давлат кинокомпанияси раиси Латиф ва киноасар ижодкорлар гуруҳи томонидан тақдим қилинди.

«Жайхунфильм» афғон кинокомпанияси раҳбари Сиддиқ Обидий сўзларига қараганда, фильмда оддий афғон оиласининг мамлакатда «Толбон» ҳаракати ҳукмронлик қилган йиллардаги тақдир ҳақида хикоя қилинади. Бошга тушган оғир синовларга қарамадан ушбу оиланинг барча аъзолари ватанга, инсонийлик гоёларига содиқ қолишади.

Тақдимида сўзга чиққан Афғонистон маданият вазири ўринбосари М.Станакзай «Абрхо» фильмининг афғон киночилари халқро ҳамкорлигидаги муҳим қадам бўлганини таъкидлади ва «Ўзбек-телефильм» студиясидаги ҳамкасбларга картинани яратишда кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

«Ал-Ҳаёт» газетаси Ибн-Сино ҳақида

Маълумки, шу йил сентябрь ойида буюк аллома, тиб илмининг султони Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1025 йиллиги муносабати билан Бухоро шаҳрида нуфузли халқаро анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Ибн Сино халқаро жамғармаси ва жамоатчилик томонидан буюк бобоқалониимиз таваллуд кунини кенг нишонлаш юзасидан катта ҳозирлик ишлари кўрилаётган бир пайтда араб дунёси олимлари ҳам кўтлўф сана олдидан бу мавзуга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Хусусан, яқинда араб оламида катта эътибор қозонган «Ал-Ҳаёт» газетасида Худо Тolib Сирожнинг «Ибн Сино: табиб, файласуф ва унинг халқ хотирасидаги сурати» сарлавҳали мақоласи чоп этилди.

Муаллиф Ибн Синони араб оламидаги энг катта хурматга эга бўлган тарихий шахслардан бири эканини таъкидлар экан, унинг тиббиёт соҳасидаги буюк кашфиётлар соҳиби сифатида инсониятга қолдирган бебаҳо мероси хусусидаги фикрларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади. У буюк олим, файласуф, табиб, шоир ва ўз даврининг барча

билимларини мукамал эгаллаган аллома бўлгани боис халқ ўртасида «Шайх ар-Раис», «Учинчи муаллим» (Аристотел ва Форобийдан кейинги) ҳамда «Табиблар амири» сингари фахрли номлар соҳиби бўлганини қайд этади.

Мақолада алломанинг машҳур «Тиб қонунлари» асарига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, муаллиф унинг жаҳоншумул аҳамияти тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашади. Ушбу асарнинг 1473 йили лотин тилига ўғиррилган таржима нусхаси Европанинг Италия, Франция, Бельгия сингари мамлакатлари университетларга узок йиллар давомида 17 асрнинг ўрталаригача тиббиёт соҳасидаги ягона дарслик бўлиб келган, дейди муаллиф.

Мақолада дунёнинг турли мамлакатларию нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан Ибн Сино меросига бағишлаб кўллаб илмий анжуманларнинг ўтказилиши инсоният таррақибига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломанинг дунё миқёсида тан олинishi ва унинг сиймосига бўлган чуқур эътиром рамзи эканлиги алоҳида қайд этилади.



«Антенна» саҳифаларида

Ўзбекистоннинг сайёҳлик
салоҳияти

Германия Федератив Республикасида рус тилида нашр этиладиган «Антенна» журналининг апрель ойи сонида журналист М.Абишевнинг «Салом, Ўзбекистон» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Унда муаллиф Берлинда бўлиб ўтажак Халқаро сайёҳлик ярмаркаси олдидан немис сайёҳчиларини Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти билан атрофлича таништиради.

Мақолада мамлакатимиз тўғрисидаги умумий маълумотлар билан бирга Ўзбекистоннинг изчиллик би-

лан ўси бораётган сайёҳлик салоҳияти хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Жумладан, М.Абишев Ўзбекистонда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарлардаги кўллаб тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашга, замонавий меҳмонхоналар бунёд этиш ва сайёҳлик объектиларини жиҳозлашга катта эътибор берилаётганини таъкидлаши баробарида журнал ўқувчиларини ўзбек фольклорчилиги ва бетакрор миллий пазандчилигимиз билан таништиради.

Ўзбек мрамари Бобур
мақбарасини безайди

ЮНЕСКО қарорига кўра, Кобулда буюк давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур мақбарасини таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Унда Германия Федератив Республикаси, Италия ва Ҳиндистондан келган мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистонликлар ҳам ўзларининг буюк ватандоши хотирасини абадийлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу кунларда Ўзбекистондан Кобулга етказиб берилган 700 та мрамар плиталар ноёб тарихий меъморий ёдгорлиқни безайди.



«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

Сўқибол

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи босқичида икки марта маглубиятга учраган Ўзбекистон терма жамоаси бўлажак учрашувларга Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигида тайёргарлик кўрмоқда.

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг июнь ойида бошланадиган иккинчи босқич иккинчи давра учрашувларида терма жамоамизга галаба сув боҳдек зарур. Шу боисми, Равшан Ҳайдаров мазкур бахсларга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборди. Ўзбекистон футбол федерацияси маълумотларига кўра Равшан Ҳайдаров 26 апрелда Россиянинг «Урал» ҳамда «Химки» жамоалари учрашувини кузатиш учун Екатеринбург шаҳрида боради. Дарвоқе эслатиб ўтамиз, «Урал» ва «Химки» жамоаларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Владимир Радкевич ҳамда Владимир Шишеловлар тўп суришади. Бош мураббийнинг ушбу сафардан кўлаған максаси Радкевич ва Шишеловнинг жисмоний, руҳий ҳолатини кузатиш.

«ТРАКТОР» ҲУЖУМЧИСИ— ҚОЗОГИСТОНДА

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» жамоасининг ўтган йилги мавсумдаги аjoyиб галабаларига ҳужумчи Дилшод Ҳуронов муносиб ҳисса қўшганлиги мухлисларга яхши маълум.

Шуни қайд этиш жоизки, «Трактор» жамоасининг моҳир футболчиси Дилшод Ҳуронов жорий йилги мавсум бошланиши арафасида ўз омадини хориж клубларида синаб қуришга аҳд қилди, ҳарқалай, анча вақтдан буюн Қозоғистон Республикаси клубларида қўриқдан ўтаётгани. Қуни кеча олинган маълумотларга қараганда Дилшод Ҳуронов Қизилўрда шаҳрининг «Кайсар» жамоасига таклиф қилинган.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон Кубоги турнири муҳим паллага кирмоқда.

Қуни кеча Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакат Кубоги нимчорак финал ўйинларида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбек футболининг фахрийлари, жамоалар мураббийлари иштирок этган ушбу маросимда Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг биринчи учрашувлари 27, 28 май кунлари, жавоб беллашувлари эса 4 июнда ўтказилиши маълум қилинди. Кубок бахсларида пойтахтимиз шарафини «Локомотив», «Трактор», «НБУ-Осиё» жамоалари ҳимоя қилади.

(Ўз мухбиримиз)



Болалар қадрдон ва қўвноқ маскан бўлмиш боғча қўйида доимо қизиқarli ўйин ва машғулотлар билан банд бўлишади.



Наталья Семёнова олган суратлар.

Табии аjoyиботлари

СУВДА ЯШАБ СУТ ЭМАДИ

Маълумки, китлар сувда яшайдиган сут эмизувчиларнинг вакили бўлиб, ўпка билан нафас олади, шунга қарамасдан 90-100 тонна вазнга эга бўлган жониворни сув кўтариб туради. Бордию у куруқликка чиқиб қолгудай бўлса, азбаройи гавдаси оғирлигидан қон томирлари қисилиши оқибатида нафас олиши тўхтаб қолади ва ҳалок бўлади.

Икки хил — тишли ва мўйловли китлар бўлади. Кашалот тишли китларнинг энг йирғи бўлиб, унинг узунлиги 15-20 метрга етади. Хуш кўрган овқати калмар ва каракитцалардир. Унинг калла тузилиши худди гаввосларнинг бош кийимига ўхшайди. Унда ҳар хил клапанлар мавжуд бўлиб, худди калласига қоп кийгазиб қўйганга ўхшайди. Қизиги шундаки, унинг ичда нафас олиш учун ҳаво захираси сақланади, шунинг учун ҳам жонивор денгизнинг чуқур жойларига шўнғиб кетиб у ерда икки соатча бўлиши мумкин. Сут эмизувчилар орасида кашалотнинг миясига тенг келадиган катта мия бўлмаса керак. Бундай миянинг вазни 6 килограммга тенг.

Тишли китлар орасида энг важохатлиси касаткалар ҳисобланади, улар жуда катта эмас, узунлиги 6-10 метр келади. Касаткалар ўта ёвуз ва ҳужумкор бўлиб, баъзан ҳақиқий китларга ҳам ҳужум қилади.

Иккинчи гуруҳ мўйловли китларга йўл-йўл китлар, силлиқ ва кулранг китлар киради. Мўйловли деб аталишининг сабаби, юқори жагининг икки ён томонида шох пластинкалардан иборат мўйловлар осилиб туради. Китсимонларга (дельфин, кашалот) мансуб ҳайвонлар сингари китларнинг ҳам аждодлари бир вақтлар куруқликда яшаган. Бундай тахминлар уларнинг гавда тузилиши билан тасдиқланади. Сузгич қанотлари том маънода беш бармоқли қўл суяги бўлиб, мускул тўқималари тери билан қопланган эшакка айланган. Дум сузгич қаноти горизонтал бўлиб, уни сув бетига кўтарилишга ёрдам беради.

Янги туғилган боласининг бўйи 8 метргача етади, бир марта озикланганда 100 литрча сут ичади.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

Қўрғазмалар

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий қўрғазмалар залида мусаввир Николай Пакнинг «Кулолчилик ва рангасвир» мавзусидаги шахсий қўрғазмаси очилди.

КУЛОЛЧИЛИК ВА РАНГАСВИР

Тасвирий санъатнинг дастлабки сирларини Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида ўрганган мусаввирнинг ижод қамрови кенг ва ранг-барангдир. У тасвирий санъатнинг кўпгина турлари ва жанрларида ижод қилади. Н.Пак рангасвирчи, дизайнер бўлиши баробарида, моҳир кулол ҳамдир. Графиканинг монотепия ва литография турларида ижод қиладиган рассомнинг сеvimли санъат тури кулолчиликдир.

Рассом асосан Урта Осиё усталарининг меросини ўрганишга интилади. Унинг асарлари орқали ноанъанавий шакллари рангасвир, графика полотноларида ҳамда кулолчилик буюмларида мужассамлай оладиган моҳир рассом эканлигининг яна бир бор гувоҳи бўламиз.

Мазкур қўрғазма рассомнинг 50 ёшлик таваллудига бағишланган бўлиб, унда ижодкорнинг 100 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Хусусан, қўрғазма экспозициясида рассом ва графика устасининг «Қуёш нурида», «Ёлғизлик», «Нафислик оҳанги», «Хаёт қувончи», «Қуз олтини», «Ашил қиров», «Қузги оркестр» каби фалсафий-бадий асарлар тўплами ўрин олган.

Юлдуз УСМОН

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Картошка тўғралгандан кейин сувда узок тутилса, крахмал ва С витамини айниқса кўп йўқолади. Шунинг учун картошка оватига солишдан олдингина арчиган ва тўғраган маъкул.

● Пўстини артмасдан қайнатиб пиширилдиган картошка эзилди кетмасин десангиз сувга бирозгина туз ташланг.
● Қовурилган картошка кирсиллайдиган бўлиши учун унинг пўстини артиб бўлиб тўғрагач, совуқ сувга чайиш, кейин сочқика ўраб қўйиб қуритиш, шундан кейингина яхши доғ қилинган ёғда қовуриш лозим.

● Сабзавотларни қайнатганда сувга ҳеч қачон сода қўшманг. Сода С витаминини емиради. Сирка, лимон кислотасидан озгина қўйиш мумкин, у С витаминининг сақланишига ёрдам беради.
● Сабзавотдаги витаминлар яхши сақланиши учун уни қайнаб турган сувга оз-оздан со-

лиш зарур. Сабзавотлардаги витаминлар металлга тегиши натижасида емирилади. Шу сабабли сабзавотларни эмаль қопланган каструлкада қайнатиш керак.

● Сабзавотларни салқин ва қоронғу жойда сақлаш керак, улардаги каротин қуёш ёруғлиги таъсирида емирилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ROYAFZALCHI» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ХАБАРИ

2005 йил 19 май соат 14-00 да корхона биносиде (Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 124-уй) акционерларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилади.

Мажлисда иштирок этишга ҳуқуқи бўлган акционерлар рўйхати жорий йилнинг 19 апрелида ёпилган реестр бўйича тузилган.

Акционерларнинг йиллик умумий мажлисининг КҮН ТАРТИБИ:

1. Акционерлар йиллик умумий мажлисини ўтказиш тартиби ва регламенти.
2. Жамият бошқаруви раисининг ОАЖнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи.
3. Жамият бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномани 2005 йилга узайтириш ҳақида.
4. Аудиторнинг 2004 йил якунлари бўйича ўтказган текширув натижалари бўйича ҳулосасини тасдиқлаш ва 2005 йил учун аудиторлик фирмасини тасдиқлаш.
5. ОАЖ тафтиш комиссиясининг 2004 йил ҳисоботи бўйича далолатномасини тасдиқлаш.
6. ОАЖнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик йилида кўрган соф фойдани тақсимлаш ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
7. 2005 йилга тузилган Бизнес-режани тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилда қилинган ишлари бўйича ҳисоботи.

9. АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида.

10. Акционерлик жамияти Низомига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

Акционерлар ва уларнинг вакилларини рўйхатга олиш шахсини тасдиқловчи ҳужжатга асосан амалга оширилади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ROYAFZALCHI» ОАЖнинг 2005 йил 1 ЯНВАРИГАЧА БЎЛГАН ЙИЛЛИК БАЛАНСИ

(МИНГ СЎМ)

№	Кўрсаткичлар номи	Активи	Пассиви
1.	Асосий ва бошқа воситалар	28889	
2.	Товар-модий захиралари	37802	
3.	Пул миқдорлари	6362	
4.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари	96807	50505
5.	Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш воситалари		119355
Жами:		169860	169860
Бухгалтерлик баланси бўйича			

2004 йил бўйича молиявий натижа Соф фойда — 28940 миң сўм.

Йиллик бухгалтерлик баланси «GNK OSIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган (2002 йил 12 августидеги № 00468 рақамли лицензия)

ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
ўлоқлар — 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма таъбиқ, офсет усулида босилади.
3868 нусхада босилади. Қороз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмоҳона. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.